

10-маруза Кузги шудгор. Ҳайдалма қатлам қалинлигини ошириш усуллари



Режа:

- 1.Кузги шудгорнинг аҳамияти.
- 2.Кузги шудгор чуқурлиги ва шудгорлаш муддатлари.
- 3.Ерни кузда икки ярусли ҳайдаш.
- 4.Ерни ҳар хил чуқурликда ҳайдаш.
- 5.Ҳайдалма қатлам қалинлигини ошириш усуллари.

Кузги шудгорнинг муддатлари


- Республикамизнинг шимолий зонасида ноябрь ойи,
- Марказий зонасида 15 ноябрдан 15 декабргача,
- Жанубий зонада 20 ноябрдан 15 декабргача бўлган вақт кузги шудгор учун энг қулай вақт ҳисобланади.
- Тупроқ шароитига кўра ер 30-35 см гача чуқурликда ҳайдалиши мумкин.
- Янги ўзлаштирилган ерлар 20-22 см чуқурликда ҳайдалади.
- Кейинчалик ҳайдаш чуқурлиги аста-секин ошириб борилади.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатда тутган ўрни

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг
мамлакат миллий иқтисодиёти-
даги ўрни жуда муҳим.

Мамлакат аҳолисининг 63 %
қишлоқда яшайди. Меҳнатга
яроқли аҳоли бандлигининг
35% қишлоқ хўжалигига тўғри
келади.


Ўзбекистоннинг дунё пахта ишлаб чиқарилишидаги ўрни



Ўзбекистоннинг асосий пахтачилик зоналари



Республикамизнинг 4200 минг гектар майдонида қишлоқ хўжалик экинлар етиштирилади, уларда асосий ишлов уч муддатда ўтказилади.



Кузда шудгорлаш ва унинг ахамияти.

Ёғингарчиликлар ҳисобига тупроқда нам тўплаш ва сақлаб қолиш имконияти беради.

Кўп йиллик бегона ўтларни 50-60% гача камайтиради.

Тупроқ структураси яхшилаб, донодор майин ҳолатга келтилади, тупроқ зичлигини камайтиради.

Кузда ўз вақтида шудгорланмаган майдонларда ер музлаб сернам бўлиб қолса, тупроқни сифатли ҳайдаб бўлмайди ва кузги шудгорга қўйилган агротехник талаблар бажарилмай, тупроқ структураси бузилиб ҳосилдорлик миқдори гектарига 3.5-7.5 центнергача камайяди.

Шудгорлаш чуқурлиги.

Шимолий ва ўрта зоналарда типик бўз тупроқларда ҳамда Тошкент, Самар-қанд, Сирдарё, Наманган, Фарғога, Андижон тоғолди ва Жиззах, Қашқадарё, Бухоро вилоятларининг ва Қарақалпоғистон Республикаси ўтлоқ тупроқлари кузги шудгор 30см га ўтказилади.

Хоразм вилоятининг ва Қарақалпоғистон Республикасининг калин агро-ирригацион чўкмалари билан қопланган ўтлоқ тупроқларида 30-32см га.

Андижон, Сурхондарё вилоятларининг ҳайдалма қатлами калин ерларда 35-40 см га. Мирзачўлнинг қадимдан ҳайдаладиган, сизот сувлари юза жойлашган оч бўз тупроқлар 45 см юмшатилади ва 28-30 смга ағдариб ҳайдалади.


Кам унумдор, қум ва шағал қатлами мавжуд ерларда шудгор шундай чуқурликда ҳайдалиши керак.

**Кузги буғдойдан
бўшаган
майдонлар ёзда
300-500 м³/га сув
билан суғорилиб,
тупроқ етилиши
билан 30 смга
ҳайдаш
ўтказилади.**


Ерни икки ярусли ҳайдаш

- Буни учун **ПЯ-3-35, ПуЯ -3-35** русмли плуглардан фойдаланилади.
- Икки ярусли ҳайдал-ганда устки қатлам **(0-15см)** пастга, пастки қатлам **(15-30см)** тепага чиқарилади. Тупроқнинг хоссалари яхшиланади.
- Экинлар ҳосили маълум даражада ошади.
- Ерни ҳар хил чуқурликда ҳайдаш бегона ўтларни зараркунандаларни, касалликларни камайтириш ва органик қолдиқларни тўла чиришини таъминлаш учун ўтказилади.
- Ер биринчи йили **30-32 см,**
- иккинчи йили **22-24 см,**
- учинчи йили **26-28 см** чуқурликда ҳайдалса, юқорида кўрсатилган чуқурликдаги қатламга тушган зарарли организмлар ҳамда органик қолдиқлар уч йилгача тупроқ юзасига чиқарилмайди.
- Натижада зарарли организмларни камайиши ва ўсимлик қолдиқларини тўла чиришига эришилади.

Икки ярусли плуг ишлаш кўриниши



Шудгорлашни сифатли ўтказишда омонни ахамияти. (ПЯ-3-35, ПД-3(4)-35)



ПЯ-3-35 икки ярусли тиркама плуг ерни чуқур ҳайдашга мўлжалланган



ПЯ-3-30 икки қаватли тиркамали плуг





ПД-4-45 икки ярусли тўрт корпусли осма
плуг, шўрланмаган тошсиз ерларни 40 см
гача чуқурликда ҳайдашга мўлжалланган.






Шудгорлаш мудатларини пахта ҳосилдорлигига таъсири




Ҳар хил муддатда шудгор ўтказилишини пахта


ҳосилига таъсири



Кўш ярусли плуг билан шудгор ўтказишни пахта ҳосилига таъсири, ц/га



Ҳар хил чуқурликда шудголаш ва технологияларни пахта ҳосилдорлигига таъсирида (Турсунходжаев З.С. маълумоти), ц/га.



Ҳайдалма қатлам қалинлигини ошириш

- **Ҳайдалма қатлам** қалинлигини ошириш тупроқ профилининг тузилишини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.
- **Қумли, шағал қатлам** юза ётган ерларда эрта баҳорда лойқа ётқизиш (кольматаж усули) йўли билан ҳайдалма қатлам қалинлиги оширилади.
- **Бу ҳар йили** баҳорда бир неча марта такрорланади.
- **Ҳайдалма қатлам** қалинлигини ошириш учун тепаликлар тупроғи, гўнг ва бошқа органик ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қадимдан суғориладиган ерларни ҳайдаш

- **Қадимдан** **суғориладиган** ерларда агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги 2-3 м дан ортади.
- **Ана** **шу** жойларда ҳайдалма қатлам қалинлигини бемалол ошириш мумкин.
- **Академик** **Мухаммаджонов** қадимдан суғорилиб дехқонсчилик қилинаётган ҳайдалма қатлам ости зичлашган ҳамма ерларда ҳар **3-4 йилда** бир марта ерни **50-60 см** чуқурликда юмшатиб бир йўла **28-30 см** чуқурликда ағдариб ҳайдашни тавсия қилади.
- **Бунда** **ер** кузда **ГР-2,7** русумли чуқур юмшатгич билан юмшатилади, кейин плугда ағдариб ҳайдалади.

Слайдни давоми

- **Профессор А.Эрматов** бедапояни **60 см** чуқурликда ҳайдаш ва органо-минерал ўғитлар солиш ҳайдалма қатлам қалинлигини оширишда самарали усуллардан эканлигини таъкидлайди.
- **Ҳайдалма қатлам** қалинлигини оширилиши ва тузилишини яхшиланиши бедадан ва ундан кейин экилган экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлаши бу олим ўтказган тажрибаларида кўрсатиб берган



Ўзбекистонга раҳмат